



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ НЕФТЬ ВА ГАЗ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни истеъмолчиларни нефть ва газ ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида табиий газ қазиб олиш ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича эришилган натижалар танқидий муҳокама қилинди.

Энергетика вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзтрансгаз" ва "Худудгазтаъминот" акциядорлик жамиятлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Президент соҳа мутасаддиларига истеъмолчилар манфаатларини юқори қўйиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига табиий газ, суюлтирилган газ ҳамда нефть маҳсулотларини зарур миқдорда етказиб бериш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Хусусан, иккинчи ярим йилликда 32 миллиард куб метр табиий газ ресурслари балансини таъминлаш, айниқса, куз-қиш мавсумида тизимли барқарор ишлатиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун ҳар бир кон кесимида аниқ чора-тадбирларни белгилаб, истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш, хорижий ва қўшма корхоналар салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Геологик-техник тадбирларни бажаришга тажрибали пудратчиларни, ишлатилмасдан турган конларга танлов асосида инвесторларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Иккинчи ярим йилликда 457 минг тонна, йил якуни билан 850 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни таъминлаб, аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ва янги газ-кимё лойиҳалари ишга туширилиши инobatта олиниб, келгуси 5 йилда табиий газга бўлган талаб ортиши ҳисоб-китоб қилинган. Давлатимиз раҳбари бу йиллар учун зарур табиий газ ресурсларини шакллантириш мақсадида ҳозирдан аниқ режаларни ишлаб чиқиш, энергетика соҳасини рақамлаштириш кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун соҳада геология-қидирув ишларини жадаллаштириш ва минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТИ ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИДА

9 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан учрашувига тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Бугунги кунга қадар тадбиркорлардан 13 минг 500 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалар келиб тушган. Бу борада тузилган республика штаби аъзолари уларни бирма-бир ўрганиб, ҳар куни муҳокама қилиб бормоқда. Тадбиркорлар кўтарган 12 мингдан зиёд шахсий масалаларнинг ярмидан кўпи ҳозирги кунгача ҳал этилган.

Жорий йилнинг етти ойида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизга ўсиб, 92 триллион сўмни ташкил қилгани таъкидланди. Шунга қарамай, тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари ва муддати қисқалиги тадбиркорлар учун энг долзарб масала экани аён бўлмоқда. Мурожаатларнинг 42 фоизи шу соҳага оид.

Президентимиз иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни олиб келиш, долларлашув даражасини камайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Иккинчи долзарб масала ер ва бино ажратиш билан боғлиқ. Бундай мурожаатлар 21 фоизни

ташкил этган. Тадбиркорларга бу борада имкониятларни кенгайтириш учун ҳудудларга ишчи гуруҳлар юбориб, жорий йил 1 сентябрдан аукцион савдоларида чиқариладиган ер майдонлари ва бинолар рўйхатини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, лицензия ва рухсатномалар олиш бўйича мингга яқин мурожаатлар келиб тушгани бу йўналишда тизимли муаммолар сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Шунингдек, мурожаатлардан инфратузилмага улашиш борасида ҳам кўплаб муаммолар борлиги маълум бўлмоқда.

Солиқ ва божхона соҳалари, имтиёз ва преференциялардан фойдаланишга оид масалалар ҳам таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни алоҳида назоратга олиб, уларга тўлиқ ечим топиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ



Шу йил 5-6 август кунлари Туркменистондаги "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда қандай мавзулар муҳокама этилгани ва саммит давомида эришилган келишувлар ҳақида муҳбири-миз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОВЕВА билан суҳбатлашди.

— Танзила Камаловна, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви

минтақа учун қандай аҳамиятга эга?

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 6 август куни Авазада бўлиб ўтган навбатдаги учинчи Маслаҳат учрашуви 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган саммитнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

▶ Давоми 3-бетда

ВАТАН УЧУН КЎКСИМ ТОҒ, ҚАЛҚОНДИР ШАЪНИМ

Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларини ҳар биримиз ҳаяжон билан кузатиб бордик. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган спортчиларимиз билан бирга қалбдан майдонга тушдик. Уларнинг ютуғидан кучимизга куч қўшилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30 йиллигига

СИРДАРЁ НАМУНАСИ — СИФАТ НАМУНАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизнинг ҳар бир гўшасини обод қилиш, одамларни рози қилиш, уларнинг яшаш шароитини яхшилашга устувор аҳамият қаратиш эзгу мақсадга айланган.



Сирдарё вилояти аҳоли сони нисбатан камлиги ҳамда ҳудуди кичиклиги қарамай, географик жойлашуви ва яна бир қатор хусусиятлари билан мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Вилоят шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон билан чегарадош бўлиб, республикамизнинг деярли барча ҳудудларини боғловчи автомобиль ва темир йўллар айнан шу ердан ўтади.

▶ Давоми 4-5-бетларда



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ОҚРУГЛАРИ ТУЗИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев олиб борган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округларини тузиш ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

Б. Қўчқоров Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов округларини тузиш бўйича қонун ҳужжатлари талаблари, уларнинг вазифалари, тузиладиган округлар рўйхати, уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссиялари жойлашган жой ҳақида маълумот берди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОҚРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони — 1 158 966 нафар.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

▶ Давоми 2-бетда

ОЛҚИШ

“Токио – 2020” да зафар кучган ўзбек ўғлонларига

Баҳор бошлангуси саболар билан,
Миллат камол топар даҳолар билан,
Эл сизни қузатди дуолар билан,
Юртбоши яратди бори имконни,
Бошда тутгайсиз, деб Ўзбекистонни.

Хуш орзу инсонга мисли қанотдир,
Халқингиз ишончи Сизга нажотдир,
Эл юкин қўтармоқ буюк жиҳоддир,
Эрта забт этасиз яна жаҳонни,
Сиз Ватан тутгансиз Ўзбекистонни.

Нурли олқишларим голиблар учун,
Улуг ниятлари вожиблар учун!
Эй мардлар туққан эл, байраминг бугун,
Қучоқ оч, қутиб ол марди майдонни,
Улар бошда тутди Ўзбекистонни.

Бронза, қумушми, оҳ-оҳ... бу олтин,
Ҳар бири баҳш этар голиблик тотин!
Дунёга таратгай она Юрт отин,
Худо насиб қилди сизга бу онни,
Бошда қўтардингиз Ўзбекистонни.

Илк олтин медалнинг унда гурури,
Ўн тўққиз ёшингда зафар сурури,
Бошингдан ёғилди дуолар дури,
Улугбек!... Қўтлаймиз сендек ўғлонни,
Сен кўкка қўтардинг Ўзбекистонни!

Акбаржон, исмингда улуглик бордир,
Улуг галабангга олам иқдордир,
Ҳам олтин, ҳам рекорд буюк виқордир,
Оғир тошга қўшиб сен ўшал они,
Бошингда қўтардинг Ўзбекистонни!

Алпомиш юртининг юзи бўлдинг сен,
Баҳодир!.. Алпларнинг изи бўлдинг сен,
Худди Алпомишнинг ўзи бўлдинг сен,
Ватаннинг тўйига бағишлаб шонни,
Сен бошда қўтардинг Ўзбекистонни!

Давлатжон, галаба давлатинг бўлди,
Беходжон, бронза қудратинг бўлди,
Сиз боис кўнгишлар шуқуҳга тўлди,
Ҳар ким забт этолмас бундай довонни,
Бошда қўтардингиз Ўзбекистонни!

Ўзбек ўғлонларин одил баҳоси —
Янги Ўзбекистон — янги парвози!
Бу қувонч қўшиғи, бахтининг овози,
Тангри зиёд қилсин бу хуш давронни,
Бошда қўтаргаймиз Ўзбекистонни!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР!

ВАТАН УЧУН КЎКСИМ ТОҒ,
ҚАЛҚОНДИР ШАҲНИМ

Бошланиши 1-бетда

Спортчиларимиз эришган зафарлар юртимиздаги деярли ҳар бир хонадонда тантана қилинди. Бир сўз билан айтганда, Ватан шарафи ҳимояси бутун Ўзбекистонни бир байроқ остида бирлаштирди.

Шоҳсупада Ўзбекистон номи эълон қилиниши, байроғимизнинг юксак ҳилпираши, давлатимиз мадҳияси янграши шу мамлакатда яшаётган, шу юртга ўзини дахлдор билган ҳар бир фуқаронинг қалбига ғурур ва ифтихор туйғуларини қўштирди.

Таъкидлаш жоизки, бу сафарги Олимпиада ўйинлари пандемия шароитида, бироз ўзгача кўринишда ўтгани билан ҳам тарихда қолди. Шундай бўлса-да, жорий йилнинг 23 июлидан 8 августига қадар бўлиб ўтган Токио Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилар 3 олтин ва 2 бронза медални қўлга киритди. Шу тариқа, Ўзбекистон медаллар жағмаиши бўйича умумжамоа ҳисобида 32, МДХ мамлакатлари орасида 2, туркий тили ва Марказий Осиё давлатлари ичида 1-урини эгаллади.

Шунингдек, мамлакатимиз оғир атлетикачилари кетма-кет Олимпиада рекордини янгилади. Жамоамизга илк олтин медални тазквондо устаси Улугбек Рашидов тақдим этди. 19 ёшли спортчимиз Ўзбекистон тарихида Олимпиада олтин медалини қўлга киритган энг ёш спортчи сифатида қайд этилди.

спортни ривожлантиришга, спортчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганини эътироф этиб, бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

— 2019 йил Президентимизга берган ваъдамни бажардим. Ғалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлайман, деб ният қилган эдим. Шу ниятим, орзумига ҳам етдим. Ғалабага осонлик билан эришилмайди. Мураббийларимиз билан кўп меҳнат қилдик, Токиода туриб ҳам юртошларимизнинг қўллаб-қувватловини ҳис қилдим. Халқимизга минг раҳмат. Бизга барча шароитларни яратиб берган Президентимиздан алоҳида миннатдоримиз. Ҳаммаси



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида спортчиларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Токио Олимпиадаси медаллари-га мушарраф бўлган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари — енгил автомашина ва уйларнинг қалитлари тантанали равишда топширилди.

Токио Олимпиадаси медалларига мушарраф бўлган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари — енгил автомашина ва уйларнинг қалитлари тантанали равишда топширилди.



учун ташаккур, — деди Токио Олимпиадаси олтин медали соҳиби, жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов.

Спортчиларимиз “Янги Ўзбекистон — янги ғалабалар!” шиори билан безатилган очик автобусларда пойтахт кўчалари бўйлаб йўлга чиқди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, йўл бўйида минглаб юртошларимиз ўз қаҳрамонларини кўтаринки кайфият ва миннатдорлик ҳисси билан олқишлаб турди.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ ОҚРУГЛАРИ
ТУЗИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳар бир сайлов округидаги сайловчилар сони йиғилиш ўтказилган санагача сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг маълумотлари асосида аниқланган. Округ сайлов комиссияларининг жойлашуви Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Сайлов кодексининг 9-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилди.

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 14 та сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов округлари рўйхати, уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашуви кўрсатилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

Йиғилишда, шунингдек, ОАВ вакилларини аккредитация қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқа қилиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти даврида объектив маълумотларни кенг қамровда, тезкор ва мустақил тарқатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сайлов кодексининг 35-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлажак сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ
САЙЛОВ ОҚРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 187-уй.
Сайловчилар сони — 1 966 648 нафар.
Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 10-уй.
Сайловчилар сони — 1 225 991 нафар.
Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят Кенгаши биноси, Жиззах шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 169-уй.
Сайловчилар сони — 822 745 нафар.
Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 8-даҳа.
Сайловчилар сони — 663 785 нафар.
Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Наманган вилоят Маданият маркази биноси, Наманган шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 5-уй.
Сайловчилар сони — 1 761 586 нафар.
Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Самарқанд шаҳри, Абдурахмон Жомий кўчаси, 63-уй.
Сайловчилар сони — 2 376 413 нафар.
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Товар хомашё биржаси вилоят филиалининг маъмурий биноси, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 30-уй.
Сайловчилар сони — 525 947 нафар.
Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Термиз давлат университети Ахборот-ресурс маркази биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 42-уй.
Сайловчилар сони — 1 592 259 нафар.
Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилоят сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкенттелеком” Тошкент вилояти филиали биноси, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 1-уй.
Сайловчилар сони — 1 877 107 нафар.
Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона

Раис

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 август

вилоят бошқармаси биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

Сайловчилар сони — 2 394 633 нафар.
Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 59/1-уй.
Сайловчилар сони — 1 228 943 нафар.
Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.
Сайловчилар сони — 2 008 384 нафар.
Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти” биноси, Мирзо Улугбек тумани, Исмоилий кўчаси, 1г-уй.
Сайловчилар сони — 1 662 604 нафар.
Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Сайлов округлари кесимида кўрсатилган сайловчилар сони 2021 йил 9 август ҳолатига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

3. НИЗАМХОДЖАЕВ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ



Бошланиши 1-бетда

Ушбу маслаҳатлашувлар механизми 2017 йилда Президентимиз томонидан тақлиф этилганини ва у ўтган давр мобайнида хавфсизлик, иқтисодиёт, савдо, инвестиция, энергетика, транспорт ва логистика, маданият соҳаларида минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари даражасида муҳокама қилиш, шунингдек, халқаро кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фикр алмашиш учун мустаҳкам платформага айлانганини таъкидлаш лозим.

Юксак даражадаги бундай учрашувларни мунтазам ўтказиш ва Марказий Осиё мамлакатларидаги умумий муаммо ҳамда таҳдидларга амалий ечим топишга интилиш минтақанинг катта савдо-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ягона, умумий макон сифатида аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу тадбирнинг тарихий аҳамиятига эътибор қаратишни истардим. Чунки учинчи Маслаҳат учрашуви Марказий Осиё давлатлари мустақиллигига 30 йил тўлиши арафасида ўтказилди.

— Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан қандай масалалар кўтарилди?

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев минтақавий ҳамкорликнинг умумий вази-фаларини биргаликда ҳал этиш бўйича Ўзбекистоннинг қарашларини баён қилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари тўғридан-тўғри тадбиркорлик алоқаларини рағбатлантириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, пандемияга қарши курашиш ва “яшил” энергетика ҳамда энергетика-технологияларни жорий этиш масалалари бўйича минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлаш орқали савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, **муштарак сиёсий иродамиз**

ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамиз яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда барқарор ривожланиш маконига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, “**Бугунги реал воқелик биздан Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида қатъий қадамлар ташлашни талаб қилмоқда**”, деди.

Шу маънода Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари форумини мунтазам ва ротация асосида ўтказишни тақлиф қилди, ўз навбатида, Тошкент шаҳрида Минтақавий парламент форумини ўтказишга тайёр эканини билдирди. Саммит якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

— Давлат раҳбарлари саммитда нима-ларга келишиб олдилар?

— Учрашувда эришилган муҳим келишувлар орасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчи эдим:

— БМТ шафелигида Транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш минтақавий марказини ва Транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенгашини ташкил этиш, Марказий Осиёда транспорт тизимини биргаликда ривожлантириш дастури ва битимини ишлаб чиқиш тўғрисидаги Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— Марказий Осиё мамлакатлари саноатчилари ва тадбиркорларининг беш томонлама Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

— Марказий Осиёда олий ўқув юртлари ва илм-фан соҳасида тажриба алмашиш минтақавий дастурини ишлаб чиқиш;

— энергетика ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қарор;

— “Марказий Осиё: умумий ўтмиш ва умумий келажак” ғояси остида маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ягона платформаси сифатида Марказий Осиё маданий мулоқот форумини ташкил этиш тўғрисида келишув;

— БМТ шафелигида касалликларни

ва биохавфсизликни назорат қилиш бўйича минтақавий марказлар тармогини ташкил этиш тўғрисидаги Қозоғистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

— минтақани ривожлантиришга оид долзарб масалаларни тизимли ва мунтазам равишда қўриб чиқиш учун доимий асосда фаолият юритувчи маслаҳат платформаси сифатида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича мулоқот ўрнатиш тўғрисидаги қарор;

— навбатдаги Маслаҳат учрашуви давомида XXI асрда Марказий Осиё тараққиёти учун дўстлик, аҳил қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартномани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги келишув;

— 2022-2024 йилларга мўлжалланган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор (Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари якунлари бўйича).

Марказий Осиё мамлакатлари анъаналари, тарихи, маданияти, дини муштаракдир, улар гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўхшаш муаммоларга дуч келмоқда. Айни вақтда, ҳар бир мамлакат гендер масалаларда, шу жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётида, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда уларнинг иштирокини таъминлаш борасида ўз ижобий тажрибасига ва намуналарига эга.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувидан ташқари бошқа муҳим воқеалар ҳам ўтказилди. Уларда сиз бевосита иштирок этдингиз. Шу ҳақида ҳам сўзлаб беринг.

— Маслаҳат учрашуви дастури сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар хусусиятга эга тадбирлар билан тўлдирилди. Жумладан, саммит доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси, минтақа мамлакатлари Иқтисодий форуми, мамлакатларимиз миллий саноат маҳсулотлари кўргазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда дўст мамлакатлар маданият ва санъат усталари концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар инobatга олиниб, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг 2020 йил 23 декабрдаги биринчи таъсис мажлисида БМТ тақлифига биноан Ўзбекистон 2021 йилда мазкур Мулоқотга раислик қилиши белгиланган эди.

Мен Ўзбекистон ташаббуси ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия минтақавий маркази кўмағида ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига раислик қилувчи сифатида мазкур платформанинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим.



Афғонистон вакиллари ҳам тақлиф этилади.

Мулоқот ташкил этилганидан буён қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда гендер тенгликни таъминлашга, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга оид долзарб масалалар ҳамда бу йўналишда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг 15 июнь кунин Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланиш учун хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтириш мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. БМТнинг бир қатор тузилмалари, халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўз иштироки билан форумга, умуман, Мулоқотга кўмак берди.

Низоларнинг олдини олишда ва тинчлик ўрнатишда хотин-қизларнинг иштирокини ҳамда етакчилигини кенгайтириш учун глобал ва минтақавий платформаларга бағишланган халқаро давра суҳбатини қайд этиб ўтиш жоиз. Мазкур тадбирда Мулоқотнинг биз томонимиздан қатнашган аъзоларидан ташқари, БМТнинг қатор тузилмалари, Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти, Аёл воситачилари глобал альянси котибияти ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Бунинг натижасида Мулоқот иштирокчиларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

— Марказий Осиё етакчи аёллари форумининг асосий мавзусини нима белгилаб берди?

— Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти форумининг ўзига хос жиҳати



иқтисодиётдаги салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича долзарб масалалар юзасидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон етакчи аёллари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишга, фикр алмашишга ва амалий ҳамкорлик қилишга қаратилган. Бундан ташқари, мавзуга қараб Мулоқот тадбирларида иштирок этиш учун баъзан

шундаки, мазкур форум бу йил биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида ўтказилди. Бу гендер масаласига юксак даражада эътибор қаратилаётганидан дарак беради ҳамда Мулоқот фаолиятини янада юқори сифат ва даражага олиб чиқади.

Мулоқот чоғида биз гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини амалга

оширишда Марказий Осиё давлатлари эришган ютуқларни қўриб чиқдик, минтақавий ҳамкорликнинг турли соҳаларида Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиб, гендер сиёсати ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида минтақадаги аёллар ролини ошириш соҳасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тақлифлар билан ўртоқлашдик.

Форумда таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатлари анъаналари, тарихи, маданияти, дини муштаракдир, улар гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўхшаш муаммоларга дуч келмоқда. Айни вақтда, ҳар бир мамлакат гендер масалаларда, шу жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётида, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш борасида ўз ижобий тажрибасига ва намуналарига эга.

Анжуман якунида Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари форуми декларацияси қабул қилинди.

Унда Мулоқотнинг “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартибига, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибига, Глобал мақсадларга эришиш бўйича саъй-ҳаракатлар ўн йиллигига содиқлиги ўз аксини топди. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари хотин-қизларининг илмий-техникавий, ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ амалга оширишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишни, тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттиришни илгари сураётган Мулоқотнинг нуктаи назари қайд этилди.

Шу билан бирга, Мулоқот қатнашчиларига Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Мурожаати йўлланди. Унда минтақадаги хотин-қизлар ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун мазкур платформа фаолиятини қўллаб-қувватлаш ифодаланган. Аёллар мулоқоти форумининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви билан бир вақтда ва БМТ билан яқин ҳамкорликда ўтказилиши мазкур тузилма фаолиятига катта туртки беради ҳамда унинг халқаро аҳамиятини оширишга кўмаклашади.

Форум якунида Мулоқот иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларига жавоб Мурожаатида мазкур тадбирга катта эътибор қаратгани, қўллаб-қувватлагани ва унинг самарали ишлашини таъминлаш учун шaroит яратиб бергани, шунингдек, юксак даражадаги Маслаҳат учрашуви давомида эришилган келишувларни амалда рўйбга чиқаришда кўмаклашишга тайёриликларини учун чуқур миннатдорлик билдирди.

А.ЗОТОВ
суҳбатлашди.

АКС-САДО

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИ — БАҒРИКЕНГЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида 5-6 август кунлари бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар, кун тартибда кўрилган масалалар, ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган келишувларнинг минтақавий ва халқаро аҳамияти борасидаги муҳокамалар давом этмоқда.

Халқаро экспертлар, сиёсатчилар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур саммит Марказий Осиё давлатлари лидерларини бир мақсад йўлида жипслаштириб, минтақа халқлари ўртасидаги бағрикенглик, аҳил қўшничилик муносабатларини янги босқичга олиб чиққанини эътироф этмоқда.

Айни шу мазмундаги фикр-мулоҳазалар Тошкентдаги Марказий Осиё халқаро институти томонидан Аваза саммити тафсилотларига бағишлаб “Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари” мавзусида ташкил этилган онлайн халқаро илмий-амалий анжуман чоғида ҳам қайд этилди.

Унда Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтини директорининг биринчи ўринбосари Ақром Нейматов, “Тараққиёт стратегияси” маркази директори Элдор Туляков, Туркменистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Язгули Маммедов, Қирғиз Республикаси

стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Уран Ахметов, Тожикистон Республикаси стратегик тадқиқотлар маркази директори Хуршед Зиёи, Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари Санат Қушқумбаев, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидаги қатор етакчи таҳлил марказлари вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви 2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган минтақавий яқинлашув сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Шунингдек, 2018-2019 йилларда ўтган Маслаҳат учрашувлари ҳам ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида мустаҳкам замин яратди.

Ҳозирги кунда минтақа мамлакатлари ҳамкорлик борасида аниқ мақсад билан ҳаракат қилмоқда. Буни Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажми барқарор ўсиб, сармоявий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.



— Аваза саммити якунлари Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик ва барқарор хавфсизликни таъминлаш учун ҳамкорликни чуқурлаштириш ва янада кенгайтиришга қатъий содиқлигини яна бир бор яққол намойиш этди. Бу давлат раҳбарларининг учрашув якуни бўйича қабул қилинган Қўшма баёнотида ўз аксини топди. Қўшма баёнотда иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга эътибор қаратилди, — деди “Тараққиёт стратегияси” маркази директори Элдор Туляков.

Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров таъкидлаганидек, ўзаро ҳамкорлик борасида эришган ютуқларимиз қаторида, ҳали фойдаланишимиз мумкин бўлган улкан салоҳият мавжуд. Айни пайтда, мамлакатларимиз минтақавий шерикликни мустаҳкамлашнинг дастлабки босқичида турибди. Ушбу масалалар давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича билдирган амалий ташаббусларида ҳам намоён бўлди. Хусусан, Президентимиз давлатлараро савдо-сотик ҳажмининг ўсишини таъминлайдиган, адолатли рақобат муҳитини шакллантирадиган, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун савдо бозорларини кенгайтирадиган, тарифли ва тарифсиз тўсиқларни бартараф этиш орқали тўлақонли эркин савдо режимини шакллантиришни тақлиф қилди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувлари минтақа тараққиёти, халқларимиз аҳиллиги ва турмуши фаровонлиги йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ЯНГИЕРДА ЯНГИ

2017-2020 йилларда янги ишга туширилган sanoat korxonalarining ўрни бекиёс. **2017** йилга қадар вилоятда уларнинг сони **964** та эди. Сўнгги **4** йилда **208** та sanoat loyihasi ишга туширилиши ҳисобига бугунги кунда **2 176** та sanoat korxonasi faoliyat kўrsatayпти. Натижада **32700** та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача **4,5** фоиз ошириш имконини берди. Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам **26** тага яқин кластер ҳамда кооперация фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида **210** минг долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу йил **3 500** гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. **7900** гектар ёки **2016** йилдагига нисбатан **11,5** баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.



Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳаётга кенг қўламда татбиқ этилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида юртимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳам бирин-кетин ободликка юз тутаяпти. Қарорга асосан, Сирдарё вилоятидаги 8 та туман ва 3 та шаҳарнинг 2 тадан маҳалласи “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган. Ҳозир вилоятда дастур асосида танлаб олинган барча ҳудудларда иш қизғин кечмоқда. Биз Сирдарё вилоятига сафарга борган чоғимизда дастур асосида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободликларни кузатиб, очиғи, ҳайратга тушидик.

Янгиер шаҳрида 50 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг асосий қисми кўп қаватли уйларда яшайди. Дастурга киритилган “Шодлик” ва “Маърифат” маҳаллаларида 1 751 та хонадон бўлиб, 5 310 нафар аҳоли аҳил ва иноқ умрғуздорлик қилмоқда. Бироқ бу маҳаллаларда кўп йиллардан бери ичимлик сув, газ, электр энергияси, йўл, коммуникация борасида муаммолар йиғилиб қолган эди. Жорий йилда муаммоларни ечиш учун барча кучлар сафарбар этилди. Айни пайтда дастур доирасида ушбу маҳаллалардаги мавжуд 118 та кўп қаватли турар жойни таъмирлаш ҳамда туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари авжида. Бунинг учун жами 39,7 миллиард сўм сарфланиши

режалаштирилган. Ҳозиргача ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 7 километрга қувур ётқизилиб, 76 та бетон тик қудуқ ўрнатилди, 4,9 километр ички йўллар тўлиқ таъмирланди, 17,8 километр электр тармоғи тортилиб, 5 та янги трансформатор ўрнатилди.

— Ушбу икки маҳалла ҳудудини обод қилиш учун барча имкониятлар ишга солинган, ички йўлларга тошшағал ётқизилмоқда, — дейди Янгиер шаҳри ҳокимлигининг қурилиш бўлими бош мутахассиси Акмал Эгамқулов. — Йўллар, пёдалар йўлакчалари, маҳалла гузарлари, ариқлар тозаланиб, тартибга келтирилмоқда. Ўтган асрнинг 50-йилларида тортилган ва ҳозирги кунда мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган ичимлик сув тармоқлари тўлиқ

янгиламоқда. Кўп қаватли уйларнинг том, фасад қисмлари, кириш йўлаклари таъмирланиб, туташ ҳудудларни ободонлаштириш, уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш, лоток ва ариқларни тозалаш ҳамда дарахтларга шакл бериш ишлари бажарилмоқда. Аввало, одамларнинг муносабатлари тингланб, шу асосда кўчалар, кўп қаватли уйлар, йўлаклар, канализация, телефон ва интернет тармоқлари, ичимлик сув, газ, электр таъминоти тўла янгиланмоқда. Масалан, дастур доирасида 2 та маҳаллада 12,6 километр ички йўллар таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда ишлар 30-40 фоиз бажарилган. Қувонарсиз, “Сув омбор қурилиш” хусусий корхонаси томонидан саломатлик ва велосипед бетон қоришмалари йўлаклари қуриш ишлари тугалланяпти. Бу йўлаклар уч қисмга бўлинган бўлиб, пёдалар, велосипед ҳамда жисмоний имконияти чекланганлар учун алоҳида ранглар билан ажратилган.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан “Шодлик” ва “Маърифат” маҳаллаларида жами 24,2 километр янги сув қувури, 3 та сув минораси ва 1 та сув иңшооти қуриш режалаштирилган. Бу борада лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, “Сирдарё сифат қурилиш” МЧЖ ҳамда “Шохрух Демирбек” МЧЖ пудратчилари томонидан

СИРДАРЁ НАМУНАСИ

Эзгу мақсадлар замирида бунёдкор халқимизнинг фидойилиги мужассам



Бошланиши 1-бетда

Кейинги тўрт-беш йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар кузатилади. Вилоят ҳокими Ғофуржон МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз ана шу ўзгаришлар ҳақида бўлди.

— Мустақиллигимизнинг қутлуг 30 йиллиги арафасида турибмиз. Айтнинг-чи, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси асосан нималарда намоён бўлмоқда? Вилоят аҳли эришяётган ютуқлар ҳақида Президентимиз айтган “Сирдарё намунаси — сифат намунаси” деган юксак эътироф ва эҳтиромга сирдарёликлар қандай жавоб бермоқда?

— Аввало, вилоят меҳнат аҳли давлатимиз раҳбари ишончига муносиб бўлиш учун барча соҳаларда юксак намуна кўрсатганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерда иш бошлаганимда, яъни тўрт-беш йил аввал вилоятнинг саккизта тумани молиявий жиҳатдан ўзини таъминлай олмай, боқиманда ҳолда эди. Умуман, вилоят бўйича қарздорлик 400 миллиард сўмни ташкил этарди. Бу ваҳимали ҳолат, албатта. Лекин шунга амин бўлдикки, ўзаро жиқслик, ташаббускорлик, ишбилармонлик бор жойда ечимни топилайдиган муаммоларнинг ўзи йўқ.

Аввало, Президентимиз ҳамда ҳукумат раҳбарлари далдаси ва амалий кўмаги, қолаверса, вилоятимиз аҳлининг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги туфайли халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги фойда келтирувчи рентабелли соҳага айланди. Тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилгани тезда ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Натижада қисқа муддатда барча қарзлардан қутулдик. Мана, икки йилдирки, вилоятимиз молиявий жиҳатдан бақувват ҳудудлар қаторидан жой олди.

— Сирдарё қишлоқ хўжалиги ривож топган вилоят сифатида бошқа

ҳудудлардан фаркланиб туради. Шу боис, аграр соҳадаги ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Шу ўринда вилоятимизда саноат билан қишлоқ хўжалиги соҳаси бир-бирига уйғунлашиб, мактовга лойиқ натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу тизимларда қўлланилаётган янгича усуллар ўзини оқлаяпти. Давлатимиз раҳбари тавсияси билан вилоятимиз шароитида гўзани томчиляб сугориш бошлаб берилганди. Даст-лабчи йили 300 гектар майдондаги гўза ана шу усулда обихаётга қондирилди. Бу рақам йилдан йилга ўсиб борапти.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 4,5 фоиз ошириш имконини берди. Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 26 тага яқин кластер ҳамда кооперация фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 210 минг долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу йил 3 500 гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 7900 гектар ёки 2016 йилдагига нисбатан 11,5 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Соҳадаги ислохотлар натижасида 2020 йилда қиймати 8,9 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Бу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 3,4 фоиз ошди. Энг муҳими, деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Шуни унутмаслик керакки, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги ҳамда саховатли заминимиз билан боғлаган фидойи инсонлар — тадбирқору деҳқон-фермерлар нафақат ўзини ва oilасини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Шуни назарда тутиб, бу тизимни фан-техника ютуқлари билан уйғунлаштириш, деҳқоннинг турмуш шароитини янада яхшилаш масаласига эътиборни кун сайин кучайтиряпмиз.

— Бугун вилоят нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат йўналишида ҳам илгор ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Саноатдаги улкан ўзгаришлар, вилоятнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Беш-олти йил аввал аграр вилоят ҳисобланган Сирдарё бугун саноати гурқираб ўсаётган воҳага айланди. Қўшма корхоналар, рентабелли тадбиркорлик субъектлари сони кун сайин кўпайиб, янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига чекка қишлоқларда ҳам катта эътибор берилаётгани ёшлар ва хотин-қизларни ишли қилишда қўл келмоқда. Бу борада Президентимиз бошчилигида Сирдарёда туғилган ташаббуслар мамлакатимиз бўйича кенг қўлоч ёйгани

кўпчиликлари маълум. Эндиликда воҳамиз саноати ривожланган, чет эллик сармоядорлар иштирокида қўлаб қўшма корхоналар барпо этилган вилоятлар қаторида тилга олиниши бизга гурур бағишлайди. Буни биргина “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси мисолида кўриш мумкин. Жами ҳудуди 660 гектар бўлган эркин иқтисодий зонанинг учдан икки қисмида янги лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган. Учдан бир қисмида эса доривор ўсимликлар плантациялари барпо этилади. Умуман, яқин йилларда юзга яқин инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу 7500 та қўшимча иш ўрни яратилади, дегани.

Ҳозир “Сирдарё универсал ойна” масъулияти чекланган жамияти, “Сирдарё мега люкс” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, “Пент Шенг” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси, шунингдек, Гулистон шаҳридаги “Зиннур” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ва “Бест фейши” Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси вилоят иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшишда пешқадамлик қилмоқда. Бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар хорижа экспорт қилинаётгани эътиборга лойиқ.

Вилоятда саноат маҳсулотлари 2020 йилда 2016 йилдагига нисбатан 13 фоиз, халқ истеъмоли маҳсулотлари 10 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,4 фоиз, асосий капиталга инвестициялар 3,4 баробар, қурилиш-пудрат ишлари 2,3 баробар ва жами хизматлар 1,9 баробар ўсди ва белгиланган прогноз кўрсаткичлар ортиси билан бажарилди. Натижада вилоят янги ҳудудий маҳсулоти ҳажми 12,3 триллион сўм ёки 2016 йилдагига нисбатан 116,2 фоиз ўсди.

Ушбу кўрсаткичларда 2017-2020 йилларда янги ишга туширилган саноат корхоналарининг ўрни бекиёс. 2017 йилга қадар вилоятда уларнинг сони 964 та эди. Сўнгги 4 йилда 208 та sanoat loyihasi ишга туширилиши ҳисобига бугунги кунда 2 176 та sanoat korxonasi faoliyat kўrsatayпти. Натижада 32700 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Сирдарё эркин иқтисодий зонаси ҳудудида фармацевтика йўналишида 4 та ийрик лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, “Темир Мед Фарм” МЧЖ, “Река Мед Фарм” МЧЖ, “Новуген Пхарма” МЧЖ ва “Бахт текс Фарм” МЧЖ томонидан инфузион эритмалар дори, таблеткалар, фармацевтика шиша идишлари, тиббий боғлов жарроҳлик салфеткалари, тиббий юз ниқоблари, гипростик тиббий момик, пахта целлюлоза, қуруқ кўринишдаги дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу корхоналар томонидан 400 та янги иш ўрни яратилиб, 220 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 183 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Чет эл инвестициясининг кенг миқёсда жалб этилиши вилоят иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаяпти. Натижада ялпи маҳсулот ишлаб

чиқариш йилдан йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2016 йилда 7,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир салкам 2 баробар ўсиб, 14,3 миллион сўмга етди. Шунингдек, 1991-2016 йилларда Сирдарё вилоятига умумий қиймати 356,3 миллион доллар хорижий инвестиция киритилган бўлса, қўлай инвестициявий муҳит яратилиши ҳисобига ушбу кўрсаткич охириги 4 йилда 713 миллион долларни ташкил этди ёки 2 баробар ошди.

Иш ўринлари ҳақида гапирадиган бўлсам, 25 йил давомида (1991-2016 йилларда) хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида 8 мингга яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, охириги 4 йил ичида қарийб 10 мингдан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди. Бундан ташқари, экспортнинг қўлаб-қувватланиши натижасида 2016 йилга қадар, асосан, 15 та давлатга экспорт амалга оширилган бўлса, 2017-2020 йилларда 25 дан ортиқ давлат хусусан, Европа, океан орти мамлакатларига ҳам маҳсулотлар сотилиб, экспорт географияси кенгайди.

— Вилоятнинг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Иқтисодий юксалиш бор жойда аҳолининг турар жойи обод, турмуш даражаси фаровон бўлади. Бунга кейинги тўрт-беш йил мобайнида шаҳар ва қишлоқларимизда бажарилган қурилиш, ободончилик ишлари яққол мисол бўла олади. Айниқса, қайтадан чирой очаётган Гулистон шаҳри қўрқи ҳар қандай киши қалбини қувонча тўлдирди. Қад ростлаган етти қаватли бинолар, гулларга бурканган сўлим хиёбонлар, равон кўчалар, муҳташам кўприклар шаҳарни кўркамлаштириб, янада яшарли юбордини. Қўнча Ховос шаҳарчаси “Ховос сити” бўлиб тилга тушди. Беш қаватли кўркем бинолар бу ҳудуд қиёфасини томомила ўзгартирди. Сардоба сув омборида рўй берган техноген оқибат оқибатида талафот қўрган кишилар учун қисқа муддатда Сардоба, Мирзаобод туманларида барпо этилган турар жой мажмуалари ҳам кўпчилигини пол қолдирди.


Албатта, дилни қувнатувчи янгиликлар, яратувчилик ишлари авж олган жойда яшаётган кишилар вужудида руҳий тетиклик, ўзаро меҳр-оқибат, аънаналарга содиқлик, ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси жўш ураверади. Сирдарёликлар айни пайтда ана шундай ҳиссиётлар оғушида яшаб, жўшқинлик билан фаолият кўрсатмоқдалар. Бу эришилаётган улкан ютуқларда яққол намоён бўлмоқда.

Юртимизда ҳадемай мустақиллигимизнинг 30 йиллиги шоду хурамлик билан нишонланади. Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий ўрф-одати. Шу аънана содиқ ҳолда, вилоятимиз меҳнат аҳли барча жаҳонларда ютуқларни кўпайтириш мақсадида бор билим-маҳоратлари ва куч-ғайратларини ишга соляпти.

САРДОБАЛИКЛАРНИНГ

Сафаримиз чоғида Сардоба туманида ҳам бўлдик. У ердаги қайноқ ҳаёт, фаровон турмуш, одамлар руҳиятидаги ижобий ўзгариш, кўтаринки кайфиятни кўриб завқимиз ошди. Негаки, туман бўйлаб кенг қўлоч ёйган бунёдкорлик, ободончилик, яратувчилик кундан кунга авж олмоқда. Хар соҳада ўзгариш, янгилиниш, янгиликлар рўй бермоқда. Ўтган йили Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманлари ҳудудидаги сув тошқини зарар етказган уй-жойлар ўрнида бугун бутунлай янги, замонавий иморатлар, массивлар, муассасалар қурилган.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ёрдами туфайли тошқин оқибатида уй-жойларига жиддий зарар етган сардобаликлар учун қисқа муддатда 52,5 гектар ер майдони ажратилиб, 2640 та хонадонли 86 та кўп қаватли турар-жой қурилди. Сардобалик 4541 нафар фукарога 40 миллион



Турдибой АБДУРАСУЛОВ:

— Бу йил 82 ёшга кирдим. Маҳалланинг кексаларидан бириман. Аллоҳга шукр, 10 нафар фарзандим бор — 5 нафари ўғил ва 5 нафари қиз. Уларнинг ўз oilаси, уй-жойи, мустақил ҳаёти бор. Фарзандларим, набираларим ардоғидаман. Илгари “Янгиҳаёт” маҳалласида яшаганимиз. 12 сотихли ховлимиз бор эди. Бироқ ўтган йилги сув тошқини уйимизни олиб кетди. Бу ҳам бир сивнов-да. Ҳозир у ерга помидор, қарам, бақлажон, бодринг эканмиз. Томорқага экин экишда ўзим набираларимга бош бўлдим. Мана шу қўриб турганингиз шинам ва замонавий кўп қаватли уйнинг 1-қаватидан 3 хона берилди. Шу пайтгача томоркамда кетмонни кўтариб юраверган эканмиз. Сув топсак, газ йўқ, газ келса, чироқ ўчарди. 60-йилларда қурилган йўлларга оёқ боссак, чанги бошимизгача чиқарди. Болалар олис мактабга қатнаб ўқирди. Чироқ йўқлиги сабаб телевизор қуришнинг ҳам имкони бўлмади, замондан орқада яшайверган эканмиз. Мана, бўларкан-ку, ўтирган жойимда телевизор пультаини босаман, дунёнинг ҳамма жойини қўриб, хоҳласак интернет орқали гаплашиб ҳам турибмиз. Мана кўринг, йўлларимиз асфальтланган. Оёқ босган еримиздан аксимиз кўрнади. Бундан хурсанд бўлмай, замонага шукрона келтирмай бўладими...

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ҲАЁТ НАФАСИ

ҳозирги кунга қадар қарийб 30-35 фоиз асосий ишлар бажарилди. Асосийси, барча юмушлар якунига етган, янгирликлар 100 фоиз ичимлик сув билан таъминланади.

— Дастурда 280 та симёғоч, 17,8 километр электр тармоғини, 6 та трансформаторни таъмирлаш, 5 та янги трансформатор ўрнатиш режалаштирилган, — дейди Янгир шаҳри Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Жавлон Эгамов. — Бу борада олиб борилган жадал ишлар натижасида 2 та маҳаллада электр таъминоти бўйича 92 фоиз иш бажарилди.



Шунингдек, 2,7 километр газ қувурларини тартибга келтириш ва бўяш, 23 та газ тақсимлаш қурилмасини техник тафтишдан ўтказиш ишлари олиб бориляпти. Ҳозиргача “Шодлик” ва “Маърифат” маҳаллаларида алоқа тармоғи қуриш ва таъмирлаш ишлари бўйича белгиланган вазифалар 49 фоиз уддаланди.

— Дарвоқе, ободлик йўлидаги интилишлар, ишчанлик жараёни одамларимиз кайфиятига яхши таъсир кўрсатяпти. Эндиликда тўловларда ҳам ўзгаришлар бор, — дейди “Шодлик” маҳалласида яшовчи Санобар Отабоева. — Негаки, илгари ички йўлларимиз,

сув, газ, электр таъминотидаги носозликлар бизни қийнаб келарди. Тўғриси-ни айтиш керак, аксарият аҳолимиз бу борада кўрсатилётган хизматлардан норози эди. Ҳозир маҳалламиздаги ўзгаришларни кўриб, завқимиз ошяпти. Биров эшигимизни тақиллатиб келмаса ҳам тўловларни ўз муддатида амалга оширишга шошиляпмиз. Чунки ушбу бунёдкорлик ишларида ўзимиз ҳам иштирок эттимиз, ҳар биримиз бу жараёнинг ташаббускорига айлангимиз келяпти.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” доирасида маҳалла идораси, профилактика инспектори уйи, табдиркорлик объектлари, министадион, воркаут майдончаси янгидан қурилмоқда. Умумий ўрта таълим мактаби ва давлат мактабгача таълим ташкилоти тўлиқ реконструкция қилинмоқда. Лойиҳада белгиланган барча ишлар якунлангандан сўнг болажонлар янги ўқув йилини шинам билим даргоҳларида бошлайди.

Хуллас, одамларнинг кўз ўнгига энг оғир ҳудудларга ҳам янги ҳаёт нафаси кириб келмоқда. Зеро, халқимиз фаровонлиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларга, обод масканларнинг қўлайлигига ҳар бир янгирлик ўз ҳиссасини қўшгиси келяпти. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан тугалланаётган бу кенг қамровдаги ободлик ишлари аҳоли учун катта шодиёна бўлиши шубҳасиз.



ЎЗУМЗОР ИЛК ҲОСИЛИНИ БЕРДИ

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари каби ўзумчиликни интенсив технологиялар асосида ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзум маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича цехлар, корхоналар ва музлатгичли омборхоналар қурилмоқда.

Хитой технологияси асосида томчилатиб сўғориш усулида пахта экилган. Энг муҳими, бу усулни ўзумчиликка ҳам татбиқ қилганимиз. Қолаверса, ўзумчилик соҳасида ҳам субсидия маблағлари олдиқ. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида баҳорги экинлар ўрнига иккиламчи экин экяпмиз. Томчилатиб сўғоришнинг афзалликларидан бири — сув сарфини

Вилоятда саноат маҳсулотлари **2020 йилда 2016 йилдагига нисбатан 13** фоиз, халқ истеъмоли маҳсулотлари **10** фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари **3,4** фоиз, асосий капиталга инвестициялар **3,4** баробар, қурилиш-пудрат ишлари **2,3** баробар ва жами хизматлар **1,9** баробар ўсди ва белгиланган прогноз кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди. Натижада вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми **12,3** триллион сўм ёки **2016 йилдагига нисбатан 116,2** фоиз ўсди.

СИФАТ НАМУНАСИ

ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

сўмдан жами 181,6 миллиард сўм, 249 нафар фуқарога 20 миллион сўмдан жами 5 миллиард сўм маблағ моддий ёрдам сифатида берилди. Биз тумanning “Дўстлик” маҳалласида бўлиб, мўъжаз шаҳарчадаги одамларнинг эртақнамо турмуш шароитига гувоҳ бўлдик. Бир хил кўринишда, улугвор ранглар жилоланиб турган қатор уйлар оралаб борарканмиз, майдончаларда шодон ўйнаётган болалар кулгуси, ўриндиқларда ҳордиқ чиқарётган отахону оналарнинг илқ табассуми, меҳнат завқидан куч олиб у ёқдан бу ёққа елиб югураётган инсонлар ҳароратини туйдик. Маҳалла қизлари яратилган шароитлардан баҳраманд бўлиб, ўқув курсларида ҳунаро ўрганмоқда. Хуллас, Сардобада жўшқин ҳаёт суруридан сармаст одамлар яшяпти. “Дўстлик” маҳалласида яшаётган одамлар гапига қулоқ тутинг.



Юсуф ЖАББОРОВ:

— Мен бу ерга 1963 йил кўчиб келганман. Олтимиш ёшга қиряпман, қурилиш соҳасида ишладим. Бизга янги уй-жой ва қўлай шарт-шароит яратиб берилди. Шу пайтгача кир ювиш машинаси, чангюткич, музлаткич, сув иситкич, замонавий ошхона ва рўзгор жиҳозларини олишга имконимиз йўқ эди. Энди ҳаммаси уйимизда бор. Қўчаларимиз ёруғ, атрофга боқиб, сайр этиб ҳузуруланамиз. Болалар учун майдончалар, кексаларга дам олиш масканлари, энг замонавий умумтаълим мактаби, оилавий поликлиника, маҳалла идораси — буларнинг барчаси аҳолиимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун мужассам этилган. Эътиборлиси, ёнгинамизда янги ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. Яқинда маданият уйи ҳам ишга тушади. Бундан ортиқ бизга яна нима керак. Бунинг учун Президентимизга раҳмат деймиз!



Одина БОЛТАЕВА:

— Бу ерга 1986 йилда кўчиб келгандик. 20 йилдан бери фермерлик билан шуғулланаман. Муболага ҳам, лоф ҳам эмас, тушимизда ҳам кўрмаганмиз бу каби шароитларни. Янги қурилган қўл қаватли уйнинг 1-қаватида яшайман. Менга 3 хонали уй ажратилди. Одамларнинг хоҳишига қараб, пасти қаватлар имтиёз сифатида кўпроқ кексаларга берилди. Тўнғич ўғлимга 2 хона ажратилди, кўшни уйнинг юқори қаватида туради. Хонадонимизда барча қўлайликлар мужассам. Ростини, ҳавас қилса арзигulik. Уйимизга кирган кишининг кўзи қувнайди. Ким ўйлабди, дейсиз шундай бўлади деб. Биз давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз!



Саодат САФАРОВА:



— Минг шукр, давлат раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ёрдами, халқнинг меҳр-саховати, қўллаб-саховатли инсонларнинг беғарас ёрдами туфайли қийин ва синовли кунларни енгиб ўтдик. Тўғриси, дастлаб қарахт ҳолга тушиб қолдик. Аммо Президентимиз ённимизда туриб бизга елкадош бўлди, 5 ой ичида янги уй қуриб берилди. Биз кутганимиздан ҳам ортиқ шароитлар қилинган. Мен ўзим бригадирман. “Темир дафтар”да рўйхатда турган 120 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш мақсадида уларга бош бўлиб, далага ишга олиб чиқаман. Ҳозир далаларда мавсумий ишлар қўп. Масалан, пахта даласида ҳаммаша иш топилади. Уни бегона ўғлардан тозалаш, пахта чопиқ қиламиз. Пилла мавсумида звеночиларга қўмаклашамиз. Мева-сабзавот теримида ҳашарга отланамиз. Буларнинг бари даромад топиш имконини беради. Ҳозир пахта даласида ишляпмиз. Уларга ҳар 5 кунда маош тўланади. Чунки янги уйларнинг ҳам коммунал тўловлари бор, ишласа эмин-эркин яшайди. Ахир сув, газ, электрдан муаммо йўқ. Маҳалламиз болалари бекор юрмаслиги учун касб-ҳунаро курслари очилляпти. Йўлира сарфлаб марказаларга бориб юраймиз. Ахир, маҳалламиздаги тўқислик биз учун яратилган. Бундан шодланмай бўладими!

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ИЗДОШЛАРИ

Сирдарё ўз тарихига эга, ўзига хос ижодкор фарзандларни тарбиялаган. Халқимизнинг ардоқли ижодкорлари — Ўзбекистон халқ шоирлари Тўра Сулаймон ва Ҳалима Худойбердиева шу вилоят фарзандлари.

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан атоқли адибларимиз ижоди, маънавий меросини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида қатор ижод мактаблари ташкил этилди. 2019 йилнинг февраль ойида Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактабининг очилиши вилоят таълим тизимини катта воқеа бўлди.

Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактаби эгаларини қароқ истикбол сари чорлаётгандек гўё. Ҳовли атрофига хориждан келтирилган ноёб дархатлар, анвойи гуллар экилган. Улар нафис иффор таратиб, кўнглингизга ҳузур бағишляпти.

150 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда ўқув хоналари, шоира ҳаёти ва ижодига доир музей, кутубхона, музокаралар зали, 120 ўринли фаоллар зали, наشريёт хонаси, тўғарақлар хоналари, 100 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхона, спорт зали, ёзги спорт майдони, боғ мавжуд. Эътиборлиси, ётоқхонадаги қўлайликлар дунё стандартларига мос келади.

Мактаб биносини айланиб, замонавий жиҳозланган ўқув хоналарини кўриб, бу масканда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларга ҳавасингиз келади. Музейга киришнинг билан атоқли шоира сизни шеърят оламига чорлаётгандек туюлади. Шоиранинг суратлари ва буюмларини кўриб, у билан учрашгандек бўласиз.

— Вилоятимизда мана шундай муқташам илм даргоҳининг бунёд этилиши Сирдарё аҳлини беҳад қувонтирди, — дейди ижод мактаби директори, шоир Мухаммад Исмоил. — Таълим соҳасида амалга оширилаётган илхотлар келажак авлодини янги-янги қўқиларни забт этишга ундамоқда. Бу



ижод мактабининг ташкил этилиши ёшларимизнинг орузлари рўёби бўлди, десак адашмаган бўламиз. Ҳозир энг зукко, иқтидорли, ижодкор ўқувчиларнинг 120 нафари ушбу таълим муассасасида билим олмоқда. Улардан 25 нафарининг биринчи шеърый китоби чоп этилган, 15 нафари вилоят фан олимпиадалари ғолиби, 8 нафари Зулфия номидаги давлат мукофотига номзод, 2 нафари спорт соҳасида Сирдарё чемпиони бўлган ўғил-қизлардир. Муҳими, ўқувчиларнинг ўқиб-ўрганишлари учун барча имконият эшиклари очик. Яратилган шароитлар кўзни қувонтиради. Бундай муқташам бинода ўқиган ўқувчининг дунёқарши ўзгаради ва бор кучини ўқишга, ўрганишга сарфляйди. Ҳозирги кунда республикамиз ва вилоятимизда ўтказилаётган барча байрам тадбирларида ўқувчиларимиз ўзларининг ижод намуналари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган барча қўрик-танловларда муваффақиятли

қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Масалан, ижод мактабининг энг аълочи қизларидан бири Зулҳаёхон Мингбоеванинг “Қўлдам қўшиғи” шеърый китоби яқинда нашрдан чиқди.

Албатта, таълим масканида яратилган шароитлар, халқ ардоғидаги инсонларнинг ижод мактабига таширифи нафақат ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини оширмоқда, балки улар хотирасида гўзал тарихга айланоқда.

Демак, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ўқиш-ўрганиш, изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш ижод мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари ўз олдига қўйган олий мақсаддир.

Қўшсаҳифини “Янги Ўзбекистон” муҳбири Гулсум ШОДИЕВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Ҳакимжон ЙЎЛДОШЕВ.

